

## МАХСУС ТАКЛИФ:

### «“MINOR CINEMA” КИНОТЕАТРИГА ЧИПТА УЧУН СЕРТИФИКАТ»

2023 йил «13» апрель

1. «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта учун сертификат» Махсус таклифи “CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION” МЧЖ – «A-Pay» Электрон пул Тизими Оператори томонидан Акция Ҳамкори – “Minor Cinema”кинотеатри - Minor KCM (Minor New Market) кўмагида ташкил этилди.
  2. Махсус таклиф ўтказиладиган ҳудуд: Бухоро шаҳри.
  3. Амал қилиш муддати: 2023 йил «14» апрелдан 2023 йил «16» апрелгача. Сертификатлар сони чекланган.
  4. Махсус таклифдан фақат «A-Pay» Электрон пул Тизимида идентификациядан ўтган мижозлар фойдаланиши мумкин.
  5. Мижозларни Махсус таклиф ҳақида хабардор қилиш, тегишли маълумотларни Ташкилотчининг <https://www.a-pay.uz> веб-сайтида ва (ёки) «A-Pay» мобил иловасида жойлаштириш орқали амалга оширилади.
  6. Махсус таклиф шартлари: идентификациядан ўтган мижоз A-Pay Пештахтасида 10 000 APS эвазига “Minor Cinema” кинотеатрига Чипта учун Сертификат олиш имконига эга. «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта» учун сертификатни фаоллаштириш учун фойдаланувчи Махсус таклиф амал қилиши даврида кинотеатрнинг савдо нуқтасида «Pepsi» ичимлиги ва попкорн харид қилиши керак. «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта» учун сертификат фақат Махсус таклиф амал қилиши даврида Бухоро шаҳрида жойлашган “Minor Cinema” савдо нуқтасида фаоллаштирилиши мумкин.
- Манзил: Бухоро ш., Ислом Каримов кўчаси. Мўлжал: болалар касалхонаси. Minor кўнгилочар савдо мажмуаси, 3-қават, кинотеатрнинг 2 ва 3-заллари.

Бир нафар Мижоз Махсус таклифнинг амал қилиш муддати давомида «A-Pay»

Пештахтасидан бир дона «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта» учун сертификатни олиши мумкин.  
Махсус таклифнинг амал қилиш муддати якунланганидан сўнг фаоллаштирилмаган  
Пепперони пиццаси учун Сертификатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

7. Ташкилотчига Мижозни Махсус таклиф иштирокчилари рўйхатидан четлаштирилишига олиб келиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълум бўлган тақдирда («APS Бонус» Бонус дастури Шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари, «A-Pay» Электрон пул Тизимида акциялар ўтказиш қоидаларини бузиш, фирибгарлик, ғирромчилик, ўзи ҳақида била туриб ёлғон маълумотларни



тақдим этиш ва ҳ.к.), бундай шахслар Махсус тақлифдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

8. Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра, бир томонлама тартибда, исталган вақтда олдиндан огоҳлантирмасдан ва сабабларини тушунтирмасдан, Махсус тақлифни муддатидан олдин бекор қилиш ёки вақтинча тўхтатиб туриш, шунингдек, ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Махсус тақлифни муддатидан олдин бекор қилиш, тўхтатиб туриш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш даъво учун асос бўла олмайди.
9. Махсус тақлиф муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда Ташкилотчи тегишли маълумотларни ўзининг <https://www.a-pay.uz> манзилидаги расмий веб-сайти ва (ёки) мобил иловасида жойлаштириш орқали оммани хабардор қилиш мажбуриятини олади.
10. Ташкилотчи «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта учун сертификат» Махсус тақлифини нотўғри талқин қилиш натижасида келиб чиқкан ҳар қандай англашилмовчилик, тушунмовчилик, даъво ёки зарар учун жавобгар бўлмайди.
11. Агар Махсус тақлифга доир бирон-бир савол, тушунмовчилик ёки низоли ҳолатлар юзага келса, Мижоз Ташкилотчи билан боғланиш орқали уларга аниқлик киритиш ва ҳал қилиш учун барча чораларни кўриши шарт.
12. Ташкилотчининг мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатадиган форс-мажкор ҳолатлар, шу жумладан сув тошқини, ёнғинлар, иш ташлашлар, зилзилалар, оммавий эпидемиялар, давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг буйруклари ва Ташкилотчига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар ёки бошқа табиий омиллар юзага келган тақдирда Ташкилотчи Мижозлар олдидағи ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилади.
13. «“Minor Cinema” кинотеатрига Чипта учун сертификат» учун Махсус тақлифда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш факти Мижознинг ўз шахсий маълумотларини қайта ишланиши ва Ташкилотчидан электрон почта (шахсий кабинет, телефон, шунингдек ижтимоий тармоқлар ва бошқалар) орқали реклама ва бошқа хабарларни қабул қилишга розилигини билдиради. Ҳар бир Мижоз ўзи билан туширилган фотосурати, видео ролик, Ташкилотчи ва унинг ўртасида бўлган интервьюни Ташкилотчининг веб-сайтида ва (ёки) мобил иловасида, реклама материалларида, ижтимоий тармоқ саҳифаларида ва ҳоказоларда жойлаштириш ва эълон қилишга розилигини беради. Ташкилотчи юқорида қайд этилган материаллардан чекланмаган муддат давомида фойдаланиши мумкин ва Мижоз бунинг учун ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайди.

